# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 28 апрель, № 85 (7043) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРУҚЛИКДАГИ ҚЎШИНЛАР ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 апрель куни Покистон Ислом Республикасининг Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Қамар Жовид Бажва бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, ушбу учрашув Ўзбекистон билан Покистон ўртасида сўнгги йилларда жадал ривожланаётган, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш тамойилларига, шунингдек, умумий тарих, дин, анъана ва маънавий қадриятлар муштараклигига асосланган кўп қиррали алоқаларнинг яна бир далили эканини алоҳида таъкидлади.

Турли даражадаги сиёсий мулоқотлар фаоллашгани қайд этилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайиб, ўзаро савдо ҳажми ортмоқда. Икки мамлакат компаниялари ва тадбиркорлари томонидан қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика, тўқимачилик, кўнчилик, озиқ-овқат ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида қўшма лойиҳалар тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда. Ўзбекистон — Покистон Ишбилармонлар кенгаши иш бошлади.

Ўтган йил апрель ойидан бошлаб «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Тошкент — Лаҳор — Тошкент йўналиши бўйича парвозлари қайта тикланди.

Маданий-ижтимоий ва туристик алмашинувлар, жумладан, мамлакатимизга зиёрат туризми дастури доирасидаги саёҳатлар кенгаймоқда.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли алоқалар, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва бошқа соҳаларга оид ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари, минтақада хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама қилинди.

Меҳмон давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдирди ва Покистон Ислом Республикаси Президенти Мамнун Ҳусайннинг саломини етказди.

Генерал Қ. Бажва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва мамлакат мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо берди.

Жорий йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг амалий натижалари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

Учрашув сўнгида Покистоннинг Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони Покистон Ўзбекистон билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УРУҒЧИЛИК ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа экинларнинг уруғларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш, шунингдек, нав ва уруғлик назорати озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шу билан бирга, бирламчи уруғчилик ва янги, истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳал этилмасдан қолмоқда.

Турли навдаги уруғлар ва репродукцияларни алоҳида йиғиш, шунингдек, уларни сақлаш ва қайта ишлаш шароитларига риоя этилиши устидан лозим даражада назоратнинг мавжуд эмаслиги экин материали сифатининг пасайишига ва ҳосилдорликнинг тушишига олиб келмоқда.

Бундай ҳолларда маркетинг ва ҳуқуқий тартибга солишнинг самарасиз тизими қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг экспортини етарли даражада амалга ошириш имконини бермаяпти, селекция ва бирламчи уруғчиликнинг лозим даражада бўлмаганлиги эса уларни импорт қилиш ҳажмининг ортишига олиб келмоқда.

Уруғчилик соҳасини тубдан такомиллаштириш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уларни халқаро бозорларга янада илгари суриш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, 2018 йил 1 сентябрдан:

битта вилоятда ўнтадан кўп, битта туманда бештадан кўп бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини, шунингдек, битта вилоятда бештадан кўп, битта туманда иккитадан кўп ғўзанинг районлаштирилган навларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди (синов ўтказиш учун жойлаштириладиган янги навлар бундан мустасно);

бошоқли дон экинлари ва ғўза навларини синовдан ўтказиш муддати икки йилдан, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини синовдан ўтказиш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларининг навларини (бошоқли дон экинлари, ғўза ва картошка уруғлари бундан мустасно) мажбурий рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган Қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритиш тўғрисидаги талаб бекор қилинади;

бошоқли дон экинлари ва ғўзанинг уруғларини экспорт қилиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг хулосасига асосан, Инновацион ривожланиш вазирлигининг қарори бўйича амалга оширилади, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилиш учун махсус рухсатнома талаб қилинмайди;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини импорт қилганда (бошоқли дон экинлари, ғўза ва картошка уруғлари бундан мустасно), агар синовдан ўтказишда қўлланилган талаблар Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган шунга ўхшаш талаблардан паст бўлмаса, аккредитация бўйича халқаро аккредитация ташкилотлари аккредитация қилган хорижий лабораториялар томонидан ўтказилган қишлоқ хўжалиги экинларини синовдан ўтказиш натижалари тан олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5418-сонли Фармонига мувофиқ, Ғўза уруғчилиги республика маркази ва Бошоқли дон экинлари уруғчилиги республика маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

(Давоми 2-бетда).

# Қардош халқлар фаровонлиги йўлидаги учрашув

*29 апрель куни мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй беради — Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон уч кунлик давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади.*

## Биз ва жаҳон

Бу Анқаранинг мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан далолатдир.

Энг аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган эди. Икки халқ умумий кўп асрлик тарихи, тили ва дини, қадриятлари ҳамда муштарак урф-одат ва анъаналари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасидаги ана шундай дўстона риштаҳлар устига қурилган муносабатлар бугунги кунда изчил мустаҳкамланиб бормоқда.

2017 йил май ойида Пекиндаги "Бир макон, бир йўл" халқаро форуми чоғида Ўзбекистон ҳамда Туркия Президентларининг учрашуви бўлиб ўтган эди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдўғон ўша йилнинг 10 сентябрида Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Остонада бўлиб ўтган Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида ишончли мулоқотни давом эттирдилар. Шунингдек, икки давлат раҳбарлари сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашдилар.

Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил октябрда Туркияга буюрган давлат ташрифи ўтган йилдаги икки томонлама муносабатларнинг асосий воқеаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Файзли жойда аҳолининг кайфияти ҳам, келажакка интилиши ҳам юқори бўлади

*Одамларимиз қаерда бўлмасин, ҳатто энг чекка ҳудудда ҳам бахтли ва фаровон турмуш кечиришга ҳақли. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, кенг кўламли бунёдкорлик лойиҳалари ана шу эзгу мақсадга қаратилган. Илгари бажарилган қурилиш ҳамда ободонлаштириш ишларида олис қишлоқларда истиқомат қилаётган оддий инсонларнинг яшаш шароитини яхшилашга етарлича эътибор берилмаган. Оқибатда аксарият қишлоқларда ижтимоий соҳа объектлари ночор аҳволга келиб қолган, инфратузилма батамом издан чиққан.*

## «Обод қишлоқ» дастури

Президентимизнинг шу йил 29 март куни имзоланган "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги Фармони қишлоқларнинг замонавий қиёфасини яратиб, уларни обод манзилларга айлантирмоқда. Унинг ижроси доирасида дастлаб Дўстлик туманининг Манас қишлоғида амалга оширилган ўзгаришлар тасаввуримизда қотиб қолган қишлоқ манзарасини буткул ўзгартириб юборди. Негаки, кўримсиз иншоотлар, қишда лой, ёзда чанг кўчалар атиги 1,5 ойда мутлақо замонавий қиёфа касб этди.

(Давоми 3-бетда).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

**МАМЛАКАТИМИЗДА "ОБОД ҚИШЛОҚ" ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА:**

127 мингта уй-жойни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш

1 минг 900 км. ичимлик суви тармоғи ва 850 та ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва капитал таъмирлаш

Қарийб 2 минг км. электр ва 263 километр газ тармоқлари, 440 км. йўлларни капитал таъмирлаш

режалаштирилган.

# Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси декларацияси БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

*Нью-Йоркда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхоналари томонидан "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзуидаги Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси декларацияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессияси ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.*

2018 йил 27 мартда Тошкентда бўлиб ўтган юқори даражадаги конференциянинг якуний ҳужжати БМТнинг расмий олти тилига (рус, инглиз, араб, испан, хитой ва француз тилларига) ўгирилди ҳамда ташкилотга аъзо барча давлатлар ўртасида тарқатилгани баробарида, БМТ расмий ҳужжатлари тизимига жойлаштирилди.

Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси декларациясининг мазкур мамлакатда тинчлик ва ярашувни таъминлаш зарурати, терроризм ҳамда наркотиклар айланишига қарши кураш, шунингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва қўшма савдо-транзит, транспорт, энергетика, инфратузилма ҳамда коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча банди беистисно БМТ Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжатидан жой олди.

(Давоми 2-бетда).

## Сенатор мушоҳадаси

# Ишончли мулоқот, амалий натижалар

### икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда яққол намоён бўлмоқда

*Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки мамлакат кун тартибида турган долзарб масалалар бўйича давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли мулоқотнинг мантиқий давоми бўлди.*

Маълумки, ўзбек ва туркман халқларининг қардошлик, биродарлик ҳамда дўстона муносабатлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Икки давлат ўртасидаги алоқалар яқин қўшничилик ва ҳамжиҳатлик, бирбирини англаш ҳамда ўзаро ишонч руҳида ривож топиб келмоқда. Тарихимиз, динимиз, тилимиз, маданиятимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг муштараклиги маданий-маърифий муносабатлар ривожида катта ўрин тутаяпти.

Бунда икки мамлакат Президентларининг ўзаро муносабатларидаги қатъий ишонч, очиқлик, самимият, энг муҳими, барча келишувни амалда рўёбга чиқариш йўлидаги уларнинг қатъий сиёсий хоҳиш-иродаси стратегик ҳамкорликнинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

Туркманистон барча муносабатларда Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори ҳисобланади. Ўз навбатида, Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимизнинг қўшни давлатлар билан муносабатларини изчил ривожлантириш, стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда кенг кўламли ўзаро фойдали ҳамкорликни кучайтириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳар жиҳатдан мос келади.

(Давоми 3-бетда).

## Халқ вакиллари — туманларда

# Ўрганишлар самарасини одамлар ўз ҳаётида сезиши керак

*Ҳар қандай муаммонинг чуқур илдиз отишига сабаб бўладиган омиллар борки, уларни ўз вақтида бартараф этиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, уларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашга хизмат қилади. Бу, айниқса, инсон саломатлигини асраш, ёш авлод манфаатларини муҳофаза этиш, кўзимизнинг оқу қораси — дилбандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари масалаларига тааллуқли бўлса, янада долзарб аҳамиятга эга бўлади.*

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзоларининг Тошкент шаҳар Миробод тумани аҳолиси билан бевосита мулоқотларида, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган муҳим ҳужжатлар ижросини ўрганишда уларга ҳамроҳлик қилар эканмиз, айрим соҳаларда йўл қўйилаётган эътиборсизликлар, сусткашликлар диққатимизни тортди. Чунончи, туманнинг "Баёт" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1320 нафар аҳоли яшайди, шундан 200 дан зиёди кўзи ожиз инсонлардир. Ўрганишларда уларнинг аксарияти бир неча йиллардан буён чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтмагани маълум бўлди. Депутатлар мазкур масалани жойида ҳал этиб, маҳалла аҳолиси, чунончи, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтишларига кўмаклашди.

— Очиғи, бундан жуда хурсанд бўлдик, — дейди 57 ёшли Шоҳиста Маҳамаджонова. — Тўғри, соғлиғимизга бефарқ бўлмаслик, аввало, ўзимизга боғлиқ. Бироқ имкониятларимиз чеклангани боис оилавий поликлиникага бориш бизга сал узоқлик қиларди. Ташкил этилган кўрикда турмуш ўртоғим билан бирга УЗИ, ЭКГ аппаратларидан ўтдик, шифокорлар жуда хушмуомалалик билан ҳар бир саволимизга жавоб қайтаришди.

(Давоми 3-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xs.uz.narodnoeslovo.uz @xs_ns
2018 йил 28 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УРУҒЧИЛИК ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Қуйидагилар Марказ фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиласин:

қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, ғўза ва бошоқли дон экинларининг уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш;

маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан, биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

тармоқ корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғларини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича норматив талабларни халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқиш;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб боришга, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий органлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш, уруғларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи Б. Н. Умаровнинг мамлакатда замонавий уруғчилик тизимини шакллантириш, Марказ, шунингдек, бирламчи уруғчилик, янги ва истиқболли навларни синаш билан шуғулланувчи элита-уруғчилик хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа корхоналарнинг фаолиятини ташкил этишга шахсий жавобгарлиги белгиласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Марказ ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирига, зарур бўлганда, Марказ ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкилий-штат тузилмаларига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, элита-уруғчилик хўжаликларининг миқдори ва ходимлар сонини оптималлаштириш ҳисобига туман филиалларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ давлат унитар корхонаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилиш уруғчилик хўжаликлари ва корхоналари билан тузилган воситачилик шартномалари асосида Марказ томонидан амалга оширилади;

воситачилик шартномалари бўйича қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини экспорт қилишда воситачилик ҳақи бир фоиздан ошмаслиги лозим;

Марказ директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

8. Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиласин:

кўрсатилаётган хизматлардан, уруғчилик материалини сотишдан, шу жумладан, уни экспорт қилишдан олинган даромадлар;

белгиланган тартибда тўланадиган навли уруғлар учун устама ҳақлардан олинадиган ўтказмалар;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган грант танловлари натижаларига кўра ажратиладиган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

Марказ Уставини тасдиқласин ва унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Марказни унинг фаолиятини юқори ва касбий даражада самарали ташкил этишни таъминлашга қодир малакали ходимлар билан тўлдирсин;

Марказни жойлаштириш, уни алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси, компьютер техникаси ва ўзига юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун зарур бошқа моддий-техника ресурслари билан таъминлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Марказ зиммасига давлат буюртмаси доирасида 2018-2019 йиллар ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини тайёрлаш ва жойлаштириш бўйича вазифа ва масъулият юклатилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фанлар академияси, Интеллектуал мулк агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тадбирлар режасининг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин:

бренд ва тижоратбоп, шунингдек, дурагай ва лицензияланган навларнинг уруғлик материалини етиштириш, қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи уруғчилик компанияларини, шу жумладан, чет эл капитали иштирокида ва давлат-хусусий шериклик асосида компанияларни ташкил этиш;

уруғ тайёрловчи ва етиштирувчи корхоналарда ички сифат назорати тизими ва инновацион технологияларни жорий этиш, шунингдек, халқаро талабларга мувофиқ аккредитация қилинган замонавий лабораторияларни ташкил этиш;

мавжуд маҳаллий ва хорижий селекция навлари коллекцияси асосида юқори ҳосилдорликка, юқори сифатга эга ва касалликларга чидамли устувор қишлоқ хўжалиги экинларининг дурагайларини етиштириш тизимини ташкил қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини лицензиялаш механизмларини, оригинаторлар томонидан корхоналар ва кластерлардан лицензия бўйича олинадиган роялти схемалари ва миқдорларини жорий этиш;

мамлакатда мавжуд бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг тўлиқ инвентаризациясини, уларнинг молекуляр-генетик паспортизациясини (ДНК бар-кодинг) ўтказиш, шунингдек, уларнинг мамлакатнинг селекция ютуқларини ҳимоя қилиш имконини берувчи Ўсимликларнинг янги навларини муҳофаза қилиш халқаро иттифоқида (UPOV) рўйхатдан ўтказилишини амалга ошириш;

уруғчилик хўжаликлари ва уруғлик материалини қайта ишлаш цехларининг ўрнатилган нормалар, талаблар, регламентлар ва техник ҳисобларга мувофиқлиги бўйича инвентаризация қилиш;

ғўзанинг селекция навлари патентлари ва муаллифлик гувоҳномаларини (оригинатор ҳуқуқларини) баҳолаш ва уларни ҳар уч йилда қайта тасдиқлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уруғчилик масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ўрнатиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотларга қўшилиши мумкинлиги масалаларини ўрганиб чиқсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Р. Холмурадов ва З. Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 27 апрель

# МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ҲАМКОРЛИГИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Қамар Жовид Бажва бошчилигидаги делегацияни қабул қилгандан сўнг ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ирфон Юсуф Шомий ЎзА мухбирига интервью берди.*

— Авваламбор, менга шундай имконият яратилгани учун ташаккур билдираман. Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашув ғоят сермазмун бўлди. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорликни янада юқори чўққига олиб чиқишга қаратилган «Йўл харитаси»ни белгилаб олдик.

Мулоқот давомида жаҳонда кечаётган глобал жараёнлар ҳамда долзарб минтақавий масалалар юзасидан Ўзбекистон ва Покистоннинг қарашлари муштарак экани намоён бўлди. Учрашувда Афғонистондаги вазият, Ўзбекистоннинг ушбу юртда тинчлик ўрнатишга қўшаётган ҳиссаси алоҳида қайд этилди. Покистон бундан бир ой олдин Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференцияда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича илгари сурилган ҳаётий ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Делегациямиз Ўзбекистонда кечаётган улкан ўзгаришлар, мамлакатингиз юритаётган ички ва ташқи сиёсат, қўшни давлатлар билан олиб борилаётган кенг қамровли мулоқотлардан ниҳоятда катта таассурот билан қайтмоқда. Бугунги учрашув натижалари ўзаро муносабатларимизни янада юқори босқичга олиб чиқишига ишонамиз. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қиладиган ташаббуслари, қўшни давлатларда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларида куч-қувват ва муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**ЎзА мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.**

# Қардош халқлар фаровонлиги йўлидаги учрашув

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу ташриф чоғида мамлакатлар етакчилари Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларини муфассал муҳокама қилганлари баробарида, тарихда биринчи марта имзоланган Қўшма баёнот ўзаро ҳамкорликнинг стратегик шериклик даражасига олиб чиқилишини мустаҳкамлаган энг муҳим ҳужжат бўлиб қолди. Шунингдек, томонлар турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича 20 дан зиёд битимларни имзолашди.

Икки мамлакат нуфузли делегацияларининг ўзаро ташрифлари ва мунтазам равишда ўтказиладиган учрашув ҳамда бизнес форумлари кейинги пайтларда ўзаро муносабатлар тобора чуқурлашиб бораётганидан далолат беради. Масалан, 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган халқаро конференция доирасида Ўзбекистон Президенти Туркия иқтисодиёт вазири Нихат Зейбекчини қабул қилди. Жорий йил 27 март куни Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференцияда иштирок этган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу ҳам давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинди.

Парламентлараро алоқалар мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ўтган йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи тузилди. Мамлакатимиз Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев ушбу гуруҳга бошчилик қилмоқда.

Шу ўринда Сенат Раиси Н. Йўлдошев бошчилигидаги Олий Мажлис делегацияси 2017 йилнинг ноябрь ойида Осиё парламент ассамблеяси Ижроия кенгашининг 2-мажлиси ва 10-ялпи сессиясида қатнашиш учун Истанбул ҳамда Анқарага борганини қайд этиш жоиздир. Ташриф чоғида Туркия Буюк миллат мажлиси Спикери Исмоил Қаҳрамон билан учрашув бўлиб ўтди.

2018 йил март ойида Туркия парламентининг "Туркия — Ўзбекистон" парламентлараро дўстлик гуруҳи раиси Ҳайдар Али Йилдиз бошчилигидаги Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси делегациясининг мамлакатимизга ташрифи бу йўналишдаги яна бир муҳим воқеа бўлди. Унинг доирасида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раҳбарияти билан учрашувлар, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасида мазкур делегация таркибидаги Туркия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Икки мамлакат муносабатларида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Туркия Ўзбекистоннинг йирик ҳамда муҳим савдо шерикларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йил мобайнида ўзаро товар алмашиш ҳажми сезиларли даражада ўсгани ҳолда, улар 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Рангли металлар ва улардан тайёрланадиган буюмлар, пахта толаси ҳамда калава, мева-сабзавот маҳсулотлари, хизматлар, азот ўғитлари, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар мамлакатимизнинг Туркияга асосий экспортини ташкил этади. Ўз навбатида, республикамиз пардоз-андоз буюмлари, турли механик ва электрон ускуналар, пластмасса ҳамда улардан тайёрланадиган маҳсулотлар, тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, тери ошлаш ва бўяш воситаларини импорт қилади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ҳамда Ер усти юк ташувлари тўғрисидаги келишувларга мувофиқ тузилган Халқаро автомобиль ташувлари масалалари бўйича қўшма комиссия бу йўналишдаги алоқаларнинг мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Ҳукуматлараро комиссиянинг сўнгги йиғилиши 2017 йил май ойида Тошкентда, қўшма комиссиянинг 4-йиғилиши эса 2016 йил Истанбулда бўлиб ўтган эди.

Ўзбекистонда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) саъй-ҳаракатлари ҳам юқори баҳога лойиқдир. Ўтган давр мобайнида мазкур агентлик тиббиёт ҳамда таълим муассасаларининг моддий-техникавий базасини модернизациялаш, қишлоқ хўжалиги ва хусусий ҳамда ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида фаол қатнашди. 2017 йилга қадар бўлган даврда Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги томонидан бу мақсадларга 30 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилди.

Бугунги кунда шитоб билан ўсиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йилнинг июнь ойида Анқарада Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди, сентябрь ойида эса ўзбек рассомлари Бодрумдаги Ҳайкалтарош ва рассомлар XIV халқаро симпозиумида қатнашдилар. Ўша йилнинг ўзида Санъат галереясида ўн кун давомида санъат мухлислари эътиборини ўзига жалб қилган ўзбек рассомлари асарларининг кўргазмаси Истанбул маданий ҳаётидаги ёркин воқеа бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бу соҳада мамлакатларимиз ўртасида ўзгармас бўлиб қолган анъаналар мавжуд. Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" Халқаро мусиқа фестивалида турк санъат усталарининг мунтазам иштирок этиши, Туркия Давлат телерадиокомпанияси (ТРТ) Ўзбекистонда ўтказиладиган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга бепул ретрансляция қилиши ана шулар жумласига киради.

Соғлиқни сақлаш — маданий-гуманитар йўналишдаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири. Мисол учун, 2002 йилдан буён ўзбек шифокорлари Туркиянинг етакчи клиникалари базасидаги малака ошириш курсларида қатнашиб келмоқда.

2009 — 2017 йиллар мобайнида Ўзбекистонда турк мутахассислари 760 нафар бемор болада жарроҳлик операцияларини ўтказдилар. 2014 йили Тошкентда Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги кўмагида Марказий Осиёдаги илк Суяк илиги трансплантацияси маркази очилди, 2015 йили эса Республика Гинекология ва акушерлик ихтисослаштирилган илмий маркази қошида Симуляция ўқув маркази ўз фаолиятини бошлади. 2016 йили "Соғлом авлод учун" хайрия жамоатчилик фондига қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш учун 12 та кўчма клиника тақдим этилди.

Мамлакатларимиз ҳудудларида истиқомат қиладиган ўзбек ҳамда турк диаспораси вакиллари ҳам икки халқнинг янада яқинлашувига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шуни қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда турк диаспорасининг шаклланиши 1944 йили бошланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ўзбек заминидаги турли халқлар ва элатлар маданиятларини ҳар томонлама ўзаро бойитиш, анъаналар, урф-одат ҳамда маданиятларни авайлаб асраш ва ривожлантириш учун 1997 йилда асос солинган Турк Миллий маркази фаолият кўрсатмоқда. Эслатиб ўтамиз: ҳозирги пайтда Туркияда 15 мингдан зиёд этник ўзбеклар истиқомат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, шуни айтиш мумкинки, Туркия Президентининг Ўзбекистонга буюражак ташрифи самарали ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда кенгайтириш учун янги имкониятлар эшикларини очиши баробарида, бугунги кунда икки давлат етакчилари ва икки халқ ҳамда ишбилармон доиралар ўртасида мавжуд бўлган конструктив ва очиқ мулоқотнинг мантиқий давоми бўлади.

**«Жаҳон» АА.**

# ПОКИСТОН ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ УЧРАШУВИ

**Тошкентда 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Абдусалом Азизовнинг Покистон Ислом Республикасининг Қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, генерал-лейтенант Қамар Жовид Бажва бошчилигидаги ҳарбий делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Учрашувда ҳарбий-саноат комплекси ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида, шунингдек, ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф давомида Покистон делегацияси аъзоларининг Самарқанд шаҳрига бориши ва бу ердаги тарихий-маданий ёдгорликлар билан танишиши ҳам кўзда тутилган.

**Аблай КАМАЛОВ, ЎзА мухбири.**

# Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси декларацияси БМТ расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳужжатда Афғонистон раҳбарияти ҳамда ушбу мамлакат халқининг тинчлик ва ярашув жараёнини қўллаб-қувватлаш юзасидан халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларининг давоми сифатида Тошкент конференциясининг муҳим аҳамияти таъкидланган.

Бундан ташқари, Тошкент конференцияси Афғонистонда тинчлик жараёни бўйича кенг қамровли масалалар бўйича очиқ ҳамда ҳар томонлама муҳокамалар учун ноёб имкониятни тақдим қилгани, ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш учун рағбат бергани ҳам БМТ материалида таъкидланган. Унда тинчлик, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорлик масалалари бўйича кенг ҳамда мустаҳкам минтақавий ва халқаро муросани яратиш бўйича саъй-ҳаракатлари учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик изҳор этилган.

**«Жаҳон» АА.**
Нью-Йорк

Бағрикенглик

# «Халқлар дўстлиги» номи тўлиқ қайтарилади

*Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг топшириғига биноан, пойтахтимизда бир вақтлар "Халқлар дўстлиги" деб номланган метро бекати, санъат саройи ва кенг майдонга шу атама, Шайхонтоҳур туманидаги кўчага эса Шомаҳмудовлар номи қайтарилади.*

Уруш йилларида Украина, Беларусь ҳамда Россиядан турли миллатга мансуб 1 миллион нафардан ортиқ аҳоли, шу жумладан, 200 минг нафар ёш болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Халқимиз уларга меҳр бериб, бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаган.

Айниқса, жуда кўп ўзбек оилалари етим болаларни ўзига фарзанд қилиб олиб, тарбиялаган. Ана шулардан бири — 14 нафар етим болани ўз тарбиясига олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов хонадонидир.

Президент Матбуот хизмати томонидан кеча тақдим этилган видеолавҳада Юртбошимизнинг бу борадаги фикри келтирилган.

"Ер юзида жуда камдан-кам давлат ва миллат бундай юксак инсоний фазилатлар билан ғурурланиши мумкин. Вақт ўтгани сари Шомаҳмудовлар оиласи кўрсатган бу қаҳрамонликнинг аҳамияти ва қадри тобора ошиб бормоқда.

Тарихий ҳақиқатни қарор топтириш, халқимизнинг эзгу фазилат ва қадриятларини абадийлаштириш учун, Шомаҳмудовлар оиласига бағишлан-

Сурат фотоархивдан олинди.

ган, "Халқлар дўстлиги" деб номланган ёдгорлик ансамблини пойтахтимиз марказидаги майдонга қайтарсак, адолатли бўлади", дея таъкидлаган Президентимиз.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Ўсмирлар нега жиноятга қўл урмоқда? Уларнинг ота-онаси, таълим муассасаси, маҳалласи бундай ҳолатга нега бефарқ, лоқайд муносабатда бўлаяпти?*

*Ана шу каби саволларга пойтахтимизда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган "Вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг моддий-процессуал масалалари" мавзуидаги республика илмий-амалий анжуманида муфассал жавоб изланди.*

Анжуман

Статистик маълумотларга кўра, ҳуқуқбузарлик содир қилган ёшларнинг 62,2 фоизи бўш вақтларини кўчада, бемақсад ва назоратсиз ўтказар экан. Вояга етмаганлар ҳамда ёшлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ота-оналарнинг иштироки таҳлил этилганда, уларнинг 42,8 фоизи фарзандлари тарбиясига эътиборсиз экани, 48,7 фоизи болаларини етарли даражада тарбиялай олмасликлари аниқланган.

— Марказимиз томонидан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўтказилаётган тадқиқотлардан маълум бўлмоқдаки, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир қилинишининг асосий сабабларидан бири оиладаги носоғлом муҳитдир, — дейди Республика "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази етакчи илмий ходими, психология фанлари номзоди, доцент Нигора Шомуродова. — Таҳлилларимиз жиноят ва ҳуқуқбузарликка қўл ураётган болалар, асосан, нотинч, низоли, носоғлом оилаларда вояга етаётганини кўрсатмоқда. Оиладаги бундай муҳитга мослашган ёки моддий таъминотга муҳтож бола бошқалар билан кўп жанжаллашади, ўғрилик, безорилик каби жиноятларга қўл уради. Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бу жараёнда ота-она, маҳалла-кўй, таълим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик, барчамизнинг зиммамизда улкан масъулият борлигини чуқур англашимиз лозим.

Анжуманда ёшларга оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий ҳамда психологик асосларини ўргатиш борасида тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш ва натижаларни таҳлил қилиб бориш, илмий-маърифий адабиётлар, рисолалар, ўқув-услубий, таҳлилий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда тарқатиш, ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигига доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА, «Халқ сўзи» мухбири.**

## АКАДЕМИК МАҲМУД САЛОҲИДДИНОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли математик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Маҳмуд Салоҳиддинов шу йил 27 апрелда 85 ёшида вафот этди.

М. Салоҳиддинов 1933 йил 23 ноябрда Наманган шаҳрида туғилди. 1958 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг математика факультетини тугатиб, шу даргоҳда аспирантурада таҳсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1974 йилда илм-фан соҳасидаги кўп йиллик самарали хизматлари учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

М. Салоҳиддинов ўз меҳнат фаолиятини 1959 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Математика институтида кичик илмий ходим сифатида бошлади. Ушбу масканда катта илмий ходим, бўлим мудири, директор ўринбосари ва директор лавозимларида муваффақиятли фаолият кўрсатди.

Катта илмий салоҳият ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган атоқли олим кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти ва президенти, олий ва ўрта махсус таълим вазири, Фанлар академиясининг Математика институти бўлим мудири каби масъул вазифаларда халқимиз ва Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиб, мамлакатимизда илм-фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Олимнинг замонавий ўзбек математика мактабини дунёга танитишда муҳим аҳамиятга эга бўлган фундаментал тадқиқотлари, илмий ишланмалари, монография ва мақолалари юртимиз ва чет эл илмий жамоатчилиги ўртасида юксак эътирофга сазовор бўлди.

Тажрибали олим моҳир ва талабчан мураббий сифатида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланди.

М. Салоҳиддинов мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида ҳам фаол иштирок этди. У бир неча бор республикамиз парламентига аъзо этиб сайланган эди.

Академик М. Салоҳиддиновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофоти, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони, "Фидокорона хизматлари учун", "Меҳнат шуҳрати" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Маҳмуд Салоҳиддиновнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, Ш. АЮПОВ**

# Ишончли мулоқот, амалий натижалар

## икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда яққол намоён бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йилнинг март ойида икки томонлама муносабатларда унутилмас тарихий воқеа юз берди. Давлатимиз раҳбари сайловдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида ўзининг илк давлат ташрифини айнан Туркманистонга амалга оширди. Музокаралар якунига кўра, Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар янги стратегик даражага кўтарилди.

Ўзбекистон билан Туркманистон Президентларининг бу галги учрашуви ҳам икки томонлама муносабатлар йилномасига ўзига хос тарихий мазмун киритди. Икки томон ўртасидаги серқирра ҳамкорлик масалаларига, шунингдек, халқаро миқёсдаги ва минтақадаги ҳамкорлик соҳаларига доир мазмунли музокаралар самарали бўлди. Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, музокаралар асосида икки давлат раҳбарлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олдилар.

Тошкентда ўтказилган музокаралар давомида асосий эътибор Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида савдо ҳажми кейинги йилларда илк маротаба жадал суръатларда ўсаётганига урғу берди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айланмаси 55 фоиз ошди. Икки давлат корхоналари ҳамда ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик томонлар бир-бирларининг кемтик жиҳатларини тўлдириб турадиган иқтисодиёт тармоқларида ривожланиб бормоқда. Ўтган йили Ўзбекистоннинг 40 дан ортиқ делегациялари амалий ташриф доирасида Туркманистонда бўлди. Бу эса Президентлар ўртасида эришилган келишувлар ўз мевасини бера бошлаганидан дарак беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, эндиликда ана шу суръатни сусайтирмаслик ва уни янада ривожлантириш муҳимдир. Нефть-газ, транспорт-коммуникация, қишлоқ хўжалиги ҳамда сайёҳлик соҳаларидаги, саноат ва тўқимачилик индустриясини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида Тошкентда имзоланган 250 миллион АҚШ долларилик истиқболли битимлар айнан шунга йўналтирилган.

Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма коммюникеси, шунингдек, минтақаларо ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда транспорт, транзит, қишлоқ хўжалиги, илм-фан ва техника, касаба уюшмалари, спорт каби соҳаларда ўзаро фойдали алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича 17 та салмоқли ҳужжат имзоланди. Савдо уйлари очилмоқда, ишбилармонлар кенгаши тузилаяпти. Бундан ташқари, ташриф доирасида икки мамлакат олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида 15 та ҳужжат, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Олий даражадаги музокаралар давомида транспорт коммуникацияларининг транзит имкониятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу соҳа иккала томон учун устувор аҳамиятга эга. Ўзбекистон билан Туркманистон транспорт коммуникацияларининг яхлитлиги халқаро транзит юк ташиш бобида мамлакатларимиз нуфузини оширади. Амударё устидан ўтказилган Туркманобод — Фараб автомобиль ва темир йўл кўприклари нафақат икки мамлакатнинг, балки Марказий Осиёнинг транспорт-транзит имкониятларини оширди.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон юкларини Европа ҳамда Яқин Шарқ йўналишида ташиш учун Каспий денгизи қирғоғидаги портлардан фойдаланиш тўғрисидаги Туркманистон Президентининг таклифи истиқболли эканини қайд этиш лозим.

Туризм соҳаси ҳам устувор йўналишлардан бири сифатида кўрсатиб ўтилди. 2016 — 2018 йилларда Ўзбекистон ва Туркманистон ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш дастурини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Халқ дипломатияси, хусусан, ҳукуматимизнинг туркман маданияти ҳамда тилини сақлаш ва ривожлантиришга эътибор қаратаётгани ҳам икки мамлакат раҳбарларининг диққат-эътиборидан четда қолмади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳрида Ашхобод шоҳкўчаси ҳамда "Ашхобод" боғи, Хоразм вилоятида "Ўзбек — туркман дўстлик уйи" очилиши ўзбек халқининг қардош туркман халқига самимий эҳтиромининг ёрқин рамзи бўлди ва икки давлатнинг минтақаларо даражадаги алоқалари мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради. Ўзбекистонлик болаларнинг Каспий денгизи қирғоғидаги "Аваза" миллий туристик зонасига даволаниш ҳамда дам олиш учун мунтазам бориши ҳақидаги келишувлар ҳам икки дўст мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатлик ифодасидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари икки томонлама музокаралар якунлари бўйича бу эзгу ишлар халқларимиз ва Ўзбекистон ҳамда Туркманистон фарзандлари келажаги учун амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Музокаралар, одатдагидек, очиқ ва самимий, амалий руҳда кечди, томонлар эришилган келишувлардан қониқиш ҳосил қилдилар. Ўзбекистон раҳбари алоҳида қайд этиб ўтганидек, Гурбангули Бердимуҳамедов билан Тошкентда бўлиб ўтган учрашув жуда самарали кечди, ҳал этилмаган масала қолмади, барча йўналишда келишувларга эришилди. Шу асосда айтиш мумкинки, Туркманистон раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи икки томонлама ҳамкорлик ривожига янги жўшқинлик киритиб, сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, таълим, маданият ҳамда спорт соҳаларидаги ҳамжиҳатликнинг аниқ истиқболларини белгилаб берди.

**Алишер КУРМАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

# Ўрганишлар самарасини одамлар ўз ҳаётида сезиши керак

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Парламент аъзолари томонидан кўтарилган ушбу масала, ҳақиқатан ҳам, долзарб эди, — дейди туман Кенгаши депутати, "Orion Med City" хусусий клиникаси директори Шоира Жабборова. — Тумандаги 2-оилавий поликлиника билан ҳамкорликда амалга оширилган мазкур кўрикка клиникамизнинг малакали мутахассислари ҳам жалб этилди. Гувоҳи бўлаяпсизки, аҳоли бундан жуда хурсанд. Шу ўринда айтиб ўтишим керак, Ҳиндистондан болалар кардиологи, травматолог, кардиохирург каби мутахассисларни чақириб, клиникамизда ҳар ойда икки марта республикамизнинг барча аҳолиси учун бепул кўриклар ташкил қилаяпмиз. Одамларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида ижтимоий тармоқларда бу ҳақда батафсил маълумот бермоқдамиз. Албатта, бу фуқароларнинг малакали тиббий хизмат олишларини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Тумандаги 521-мактабгача таълим муассасасининг бир қарашдаёқ таъмирталаб эканини кўриш мумкин. Боғча атрофидаги чиқиндилар эса киши таъбини хира қилади. Депутатлар мазкур масканнинг "Қуёшча", "Қалдирғоч", "Камалак" каби гуруҳларига кириб, мавжуд ҳолат билан танишдилар. Айрим гуруҳларда болалар сони рўйхатдагидан кўплиги, тиббиёт хонасида зарур дори воситалари мавжуд эмаслиги, ошхонадаги ҳолат эса санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

— Бундан уч кун аввал ушбу муассасадаги фаолиятни чуқур ўргангандик, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Саъдуллаев. — Рўйхатда бор-у, аммо ўзи ишламайдиган ходимлар, худди шундай рўйхатда йўқ болалар, қисқаси, муаммолар талайгина. Биласиз, ўрганилган масалалар доимо парламент назоратида бўлади. Шунчаки, номига ўрганишлар пайти ўтди. Мана, яқинда мактабгача таълим муассасалари ходимларининг ойлик маоши оширилди, энди улар ҳам ўз хизмат вазифаларига шунга яраша масъулият билан ёндашишлари керак.

Парламент аъзолари боғчада ҳанузгача видеокамералар ўрнатилмагани масаласига ҳам эътибор қаратишди.

— Ваҳолонки, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг декабрида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳамма боғчага 10 январгача болага овқат пиширишдан тортиб, таомнинг унга етиб боришигача бўлган жараённи тўлиқ кўрсатадиган ракурсда видеокамералар ўрнатилиши зарурлигини таъкидлаган эди. Апрель ойи тугаяптики, бу ишлар орқага сурилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдурашид Абдуқодиров. — Қолаверса, боғчаларда жамоатчилик назоратини қатъий йўлга қўйиш керак. Бунинг учун маҳалла фаоллари, ота-оналар ҳар куни келиб, болаларнинг овқат рационидан хабардор бўлишлари мақсадга мувофиқ. Бу ҳеч кимга халақит бермайди, аксинча, мавжуд камчиликларни бартараф этишда асқатади.

— Иш бошлаганимга энди уч ой бўлди, — дейди мактабгача таълим муассасаси мудираси Муҳаббат Маҳмуджонова. — 1970 йилда қурилган мазкур боғча чиндан таъмирталаб. Айни пайтда 127 нафар бола муассасамизга қатнайди. Трубаларимиз эски, ошхонамизда печкалар яхши ишламайди, эшик, ромларимиз яхши очилиб, ёпилмайди. Аҳоли томонидан ҳам бу бўйича мурожаатлар қилинган.

Ўрганишлар давомида депутатлар туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиника филиали фаолиятини ҳам таҳлил этишди. Бу ерда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда сусткашликларга йўл қўйилаётгани, иссиқлик тизими икки йилдан буён ўчириб қўйилгани каби муаммоларга эътибор қаратилди.

— Айни пайтгача тумандаги секторлар фаолияти таҳлил қилинди, ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид боғча, мактаб, олий таълим муассасалари ҳамда корхона ва ташкилотлар ўрганилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жамшид Пирматов. — Буларни, албатта, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқамиз. Сессия натижалари бўйича "йўл хариталари" тайёрланади ҳамда шу асосда белгиланган вазифалар идораларга тарқатилади, тегишли жойларга депутат сўрови юборилади.

Яна бир гап, туманнинг "Банокатий" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан юзма-юз мулоқот ўтказилганда, ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ўртага ташланди. Мисол учун, Сарикўл ва Янгизамон кўчалари чорраҳасида ҳамда тумандаги 154-мактаб олдида светофор ўрнатиш масаласига жиддий аҳамият қаратилди. Берилган маълумотларга кўра, ушбу ҳудудларда охирги уч йил ичида болалар ўлимига сабаб бўлган 4 та автоҳалокат содир бўлган. Мазкур масала юзасидан маҳалла фаоллари тегишли мутасаддиларга бир неча марта мурожаат қилишган. Аммо муаммо ўз ечимини топмаган. Ўрганишлар давомида туман ИИБ бошлиғи билан кўтарилган масалаларнинг қонуний ечимини топишга келишиб олинди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Файзли жойда аҳолининг кайфияти ҳам, келажакка интилиши ҳам юқори бўлади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ерда бошланган бунёдкорлик ҳаракати бугун бутун мамлакатимизни қамраб олмоқда. Жорий йилда ҳар бир туманда 2 тадан қишлоқда, кейинги йилдан бошлаб эса ҳар йили ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқда кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари бажарилади.

Давлатимиз раҳбари 26 апрель куни бўлиб ўтган "Обод қишлоқ" дастурини амалга оширишни самарали ташкил қилиш билан боғлиқ ва бу борадаги энг муҳим вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратди. Айрим жойларда қишлоқларнинг бош режасини ишлаб чиқиш, ободонлаштириш ишлари кечикаётгани, молиялаштириш ўз вақтида бажарилмаётганига тўхталиб, мазкур юмушларни тезлаштириш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берди.

Сутбулоқ, Бирлик, Каналобод, Тонг юлдузи, Шалола, Абай. Ушбу қишлоқларнинг юмини пойтахт вилоятида тез-тез тилга оладиган бўлишди. Мана, бир неча ойдирки, мазкур маҳаллаларда "Обод қишлоқ" дастури доирасида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу ҳудудларнинг кечаги ҳолати ўта аянчли эди. Режасиз қурилган уйлар, файзсиз кўчалар, нураб кетган ижтимоий соҳа объектлари, ярақсиз сув ҳамда электр иншоотлари аҳоли кайфиятига салбий таъсир кўрсатаётганди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан олдимизга қўйилган янги вазифалар янада ғайрат-шижоат билан ишлашни тақозо этади, — дейди Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Мурод Ботиров. — Очиғи, кейинги кунларда бир оз сусткашликка йўл қўйилаётган эди. Дастур ижросини таъминлашда ҳар бир кун, ҳар бир соат ғанимат эканлигини тушуниб етиб, ҳамма тадбирга алоҳида аҳамият қаратаяпмиз.

Дарҳақиқат, тумандаги Абай қишлоғида қурилиш ишлари яна жонланиб кетди. Барча куч ва техника воситалари белгиланган лойиҳани амалга оширишга қаратилмоқда. Натижада 3,8 километрлик масофага сув қувурлари тортилиб, 3 километрлик газ қувурлари таъмирланди. Йўлларни соз ҳолга келтириш учун эса 1 миллиард 470 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, бугунги кунга қадар 2,5 минг куб метр шағал ётқизилди. Шунингдек, иккита трансформатор капитал таъмирланди. 88 та эски симёғоч замонавийларига алмаштирилди.

Ҳудуддаги 14-мактабгача таълим муассасасида амалга оширилаётган ишлардан кўпчилик мамнун. Боғча ҳудуди девор билан ўралиб, томи ёпилди, эшик-ромлари алмаштирилди. Қозонхона янгиланди. Ҳовлидаги янтоқзор ўрнида замонавий болалар майдончаси, кичик сув ҳавзаси қуриладиган бўлди.

Лойиҳа бўйича маҳалладаги 198 та хонадондан 40 тасининг дарвозаси, 44 тасининг томи алмаштирилади. 125 та хонадонда иссиқхоналар қурилади. Бу ишлар ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, кўчалар атрофидаги ҳовлиларни ўраш учун 2,7 километр узунликда девор уриш керак. Шу мақсадда янги цех очилди. Натижада 12 киши доимий иш билан таъминланиб, ҳозирги кунгача 1,4 километр деворлар тикланди. Қишлоқда савдо мажмуаси, кутубхона, "Гўзаллик салони", ўқув маркази қурилиши ҳам жадал давом эттирилаяпти. Кам таъминланган оилалар аъзолари ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун тикув цехи фойдаланишга топширилди. Бу билан 25 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Президентимиз таъкидлаганидек, дастур ижросида айрим камчиликлар ҳам учраб турибди. Бу, ўз навбатида, аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир. Масалан, Абай кўчаси, 5-уйда яшовчи Диана Примқуловага тегишли уйнинг томи очиб ташланганидан тўрт кун ўтиб қайта ёпилди. Тўғри, бу катта муддат эмас. Лекин бу орада ёққан ёмғир таъмирдан чиққан уйни яна таъмирталаб қилиб қўйди. Намлик тўрт нафар боласининг соғлиғига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Ёки Фотима Худойбердиева яшаб турган уй талабга мутлақо жавоб бермаётганлиги учун бузиб ташланди. Уч болали аёлнинг уй қуриш, уй битгунча қариндош-уруғиникида яшаши катта муаммога айланмоқда.

Видеоселекторда ижрочилар олдига қўйилган вазифалар бундай камчиликларни сўзсиз бартараф этиб, дастурни муваффақиятли бажаришга ундайди, албатта.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида Жиззах вилоятида 24 та қишлоқ фуқаролар йиғинидаги аҳоли пунктларининг меъморий қиёфаси яхшиланади. Ушбу мақсадлар учун 340 миллиард 358 миллион сўмлик маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Айни пайтда махсус ишчи гуруҳи томонидан Мирзачўл туманида зарбдор 90 кунлик эълон қилинган. Унга кўра, тумандаги Ғалаба маҳалласи ва Ўзбекистон қишлоғида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти.

— Маҳалламиз туман марказида жойлашган, — дейди "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилбар Қулматова. — Унинг ҳудуди обод бўлмаса, одамларнинг кайфиятига ҳам таъсир кўрсатар экан. Яширишнинг ҳожати йўқ, асосий кўчадан маҳалла томон 30 метрча юрсангиз, у ердаги манзарадан дилингиз оғрирди. Ободонлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, шаҳарсозлик қонун-қоидаларига риоя этилмаслиги оқибатида 42 та кўп қаватли уй атрофига хонадон эгалари ўзбошимчалик билан ёрдамчи бинолар қуриб ташлашганди. Дастур бундай тартибсизликларга барҳам берди. Маҳаллада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бошланганидан буён саккизта кўчадаги ноқонуний қурилган барча уй бузилди, эски шиферлар янги, замонавийсига алмаштирилаётир.

"Уйи борнинг ўйи йўқ", дейди халқимиз. Дастур ўз ичига аҳолини қийнаб келаётган тураржой масаласини ҳам қамраб олганки, пировардида "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган ғоя ижроси амалда таъминланаяпти.

Гап шундаки, маҳалладаги уйга муҳтож бўлган оилалар учун 400 га яқин уй-жойлар қуриш режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 2 та бўш турган ерда 160 та намунавий арзон уй-жой қуриш учун ер ажратилди. Биринчи ҳудудда бунёд этиладиган 112 та уй пудратчи ташкилотларга тендер асосида тақсимлаб берилди. Айни пайтда бу ерда қурилиш ишлари қизғин.

Сир эмас, чўлни ўзлаштиришнинг илк йилларида қиш-қировли кунларга қолмасдан мамлакатнинг турли ҳудудларидан келган ёшларни, кўчирма қилинган оилаларни бошпана билан таъминлаш мақсадида тез тайёр бўладиган, ёғочдан уйлар тикланиб, аҳолига ажратилган эди. Орадан анча йиллар ўтиб, халқ тилида айтганда, "чўпкори" уйлар бугунги талабларга жавоб бермай қолди. Тумандаги эскирган 325 та ана шундай уйда яшовчилар шароити ўрганилиб, уларнинг барчаси боскичма-боскич 400 хонадонга мўлжалланган, 4 сотихли ер майдонига эга янги уйларга кўчирилади. Қолаверса, маҳаллада 9,3 километрлик янги электр тармоқларини қуриш, 20,9 километрини реконструкциялаш, 9,0 километр электр тармоқларини мукаммал таъмирлаш режалаштирилган. Бугунги кунгача бир километрлик электр тармоқлари реконструкциялаштирилиб, 32 та устун демонтаж қилинди.

— Гагарин кўчасида битта замонавий супермаркет ҳамда бир кеча-кундузда 4 минг дона қолипли нон ишлаб чиқариш қувватига эга цех қуриш ишлари лойиҳалаштирилиб, бунинг учун ер майдонлари ажратилди, — дейди Жиззах вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Эргаш Қўлдошев. — Маҳаллада 15 та тандирхона, кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли чорва молларини парваришлаш учун 100 та қорамол ҳамда 100 та қўй боқишга мўлжалланган чорва комплекси бунёд этиш учун ҳам жой ажратилиб, зарур юмушлар бошлаб юборилди.

Қисқаси, дастур ижроси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини кескин ўзгартириши, бугунги кунидан завқланиб яшаши, уларда эртанги кунга бўлган ишонч ҳисси янада мустаҳкамланишида катта аҳамиятга эга.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**Янги қонунлар**

# Қишлоқ хўжалиги давр талаблари асосида ривожлантирилади

*Президентимиз томонидан жорий йил 18 апрелда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар бўйича вазифаларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашга қаратилган 70 дан зиёд қонун ҳужжатларига, шу жумладан, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга, Ер ҳамда Солиқ кодексларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.*

Таъкидлаш керакки, бугун фермерларимиз қишлоқ хўжалигининг асосий кучига айланмоқда. Айни пайтда республикамизда 160 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ўндан зиёд йўналишларда самарали фаолият юритаётгани, охирги икки йилда кўп тармоқлилар сони 45 фоиз кўпайиб, 75 мингтага етгани фикримиз тасдиғидир. Бинобарин, қишлоқ мулкдорларининг саъй-ҳаракати, ташаббуси, изланишлари туфайли юз минглаб кишилар бандлиги таъминланаяпти.

Пахта ҳамда ғалла экилаётган паст рентабелли майдонлар йилдан-йилга қисқартирилиб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзор ва токзорлар барпо этилаётгани ҳамда бошқа сердаромад экинлар экилаётгани диққатга сазовор. Пировардида айни пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 99 фоиздан ортиғи фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари ҳиссасига тўғри келаётир.

Шу ўринда парламент қўйи палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда Ер кодексига ҳамда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан муайян ишлар амалга оширганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, фермер хўжалиги мақоми белгилаб берилган амалдаги 3-модданинг матни янги таҳрирда баён қилиниб, фермер хўжалиги ҳамда кўп тармоқли фермер хўжалигининг ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилди. Унга кўра, фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти сифатида эътироф этилди.

Кўп тармоқли фермер хўжалиги эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш баробарида, уларни қайта ишлаши, сақлаши, реализация қилиши, саноат ишлаб чиқариши, хизматлар кўрсатиши ҳамда бошқа қонуний ишлар билан шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари, амалдаги Қонуннинг фермер хўжалигини ташкил этиш шартлари белгиланган 5-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан эса, чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ҳамда Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни (наслли чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун 0,5 гектарни), бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда тегишинча камида 0,45 гектарни (наслли чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалиги учун 0,6 гектарни), суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил қилиши назарда тутилди.

Деҳқончилик билан шуғулланувчи фермерларга ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ҳамда ғаллачилик учун камида 30 гектарни, ғаллачилик ва сабзавотчилик учун камида 10 гектарни ташкил этади.

Шу билан бирга, Қонунга кўра, ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ҳамда туман ҳокими томонидан имзоланади. Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси беришни рад қилиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят этилиши мумкин. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олган ва қишлоқ аҳоли пунктида тураржойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Ердан фойдаланиш нормалари белгиланган 13-модданинг янги таҳririга кўра, фермер хўжалиги бошлиғи пенсия ёшига тўлганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, олий таълим муассасаларига кундузги ўқишга қабул қилинган, сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини ўз оила аъзоларидан бирига ижара шартномасида кўрсатилган муддатга бериши мумкин.

Қонунда фермерлар ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилган. Масалан, унинг 16-моддасига мувофиқ, фермер ишлаб чиқаришга замонавий, тежамкор технологияларни, фан-техника ютуқларини жорий этиш, фан-таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар билан фермер хўжалигини ташкил этиш ва ер участкасини бериш бўйича қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг ўзаро мувофиқлиги таъминланди. Кўп тармоқли фермер хўжалигининг ҳуқуқий мақоми аниқлаштирилди. Қонунни қўллаш амалиётида юзага келаётган ворислик, мерос ҳамда фермер хўжалигини бошқариш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш ва фермер хўжалигини тугатиш билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг қонуний ечими топилди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз аграр тармоғи янада тараққий топиб, турмушимиз фаровон бўлишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Комилжон ЭРНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

Молия муассасаларида

*Инновацион ривожланишнинг замонавий тамойиллари банк тизимининг молиявий очиқлик даражасини ошириш, яъни хизматлар оммабоплиги ҳамда мижозлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. Молиявий хизматлар бозорида 22 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган "Асака" акциядорлик тижорат банки ана шундан келиб чиққан ҳолда, таркибий тузилмалари фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳар бир мижознинг индивидуал талабидан келиб чиққан ҳолда, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга жиддий эътибор қаратмоқда. Бунинг натижасида унинг 26 филиал, 78 минибанк, 184 чакана банк хизматлари кўрсатувчи шохобчадан иборат кенг тармоғи вужудга келди. Улар орқали қарийб 2 миллион нафар мижозларга хизмат кўрсатиб келинмоқда.*

## «Асака» банки:
# ХИЗМАТЛАР ОММАБОПЛИГИНИ ОШИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Банк жамоаси бозор конъюнктурасининг ҳозирги ўзгаришлари шароитида мижозлар манфаатларини ҳимоя қилишга интилмоқда. Юртимиз ҳамда хориждаги банклар билан вакиллик муносабатлари мустаҳкамланаётгани бунда қўл келаяпти. Бу, энг аввало, воситачилик харажатларининг минимал миқдори ўрнатилиши, тўловларнинг кам харажатлилиги ва қатъий ижро муддатида намоён бўлаётир.

Бинобарин, "Асака" банки жаҳоннинг 370 дан зиёд етакчи банклари билан вакиллик муносабатларини йўлга қўйган бўлиб, энг йирик хорижий банклардаги вакиллик ҳисобварақлари тармоғи орқали дунёнинг асосий молиявий марказларида ўз иштирокини таъминламоқда. Шу каби муваффақиятли фаолият, мана, бир неча йилдирки, "Moody's" ва "Fitch Ratings" сингари нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Барқарор" дея эътироф этилиб, юқори рейтинг баҳоларига лойиқ топилиб келинаяпти.

Шу билан бирга, жаҳоннинг нуфузли нашрларидан бўлган "Euromoney", "Global Finance" ҳамда "The Banker" томонидан мазкур молия муассасаси бир неча маротаба "Ўзбекистонда йилнинг энг яхши банки" сифатида тан олинди. Шубҳасиз, бу тизимда ишлар тўғри йўлга қўйилганлиги, унинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Таъкидлаш керакки, тизимда инвестициявий жозибадорликни ошириш, юқори ликвидлилик ва барқарорликка эришиш, асосий кўрсаткичларнинг ўсиш суръатларини таъминлаш, энг асосийси, уларни жаҳон стандартлари талаблари даражасига етказишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад битта: у ҳам бўлса, рақобатдош, ички бозор ҳамда экспортга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатувчи мижозларга, шунингдек, хорижий хамкорларга сифатли хизмат кўрсатишдир. Амалда эса бунга имкон қадар эришилаяпти ҳам.

**2018 ЙИЛ 1 АПРЕЛЬ ҲОЛАТИГА КЎРА:**

| | |
|---|---|
| Банк жами активлари | 24,8 трлн. |
| Жами капитал | 3,1 трлн. |
| Иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалари | 17,3 трлн. |

СЎМНИ ТАШКИЛ ҚИЛДИ.

Ушбу даврда банк лизинг портфели ҳажми 249,8 млрд. сўмни ташкил этди. У иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, коммунал соҳа, транспорт ҳамда алоқа, қурилиш, ижтимоий соҳа ва бошқа тармоқлар ўртасида диверсификациялаштирилгани эътиборга молиқдир.

Банк ўз фаолияти мобайнида автомобилсозлик, кон-металлургия, нефть-газ, кимё, энергетика, енгил, озиқ-овқат, фармацевтика саноати, транспорт, қурилиш каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини ривожлантиришга қаратилган инвестициявий лойиҳаларини молиялаштиришга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ушбу мақсадларга 1,5 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар ижроси учун эса 55,3 млн. АҚШ доллари ҳамда 1,9 млрд. япон иенаси йўналтирилди. Экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 40 млн. АҚШ долларилик кредитлар берилди. Улар юқори технологияларни талаб қиладиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишга, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология ва илм-фаннинг бошқа илғор ютуқларига асосланган лойиҳалар рўёбига сарфлангани билан, айниқса, аҳамиятлидир.

Ҳудудларнинг замонавий қиёфасини яратиш, кўркам тураржойлар барпо этиш каби бунёдкорлик ишларида ҳам "Асака" банки фаол қатнашиб келмоқда. Унинг 350,7 млрд. сўмлик сармоялари эвазига 95 та кўп қаватли тураржой бинолари қад кўтаргани, пировардида 3727 нафар оила барча қулайлик муҳайё қилинган хонадонларга эга бўлгани бунинг яққол мисолидир.

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳам банк эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Соҳа вакилларига кўрсатилаётган банк хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш бўйича ишлар жадал давом эттирилиб, жорий йилнинг биринчи чораги давомида ушбу мақсадга 390 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шу жумладан, бизнес фаолиятини йўлга қўяётган аёллар ҳамда тадбиркор хотин-қизларга 55,4 млрд. сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 34,7 млрд. сўмлик, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик ривожига 4,1 млрд. сўмлик, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорларга 85,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Шунингдек, 17,9 млрд. сўмлик микрокредитлар тақдим қилинди. Бу эса республикамизнинг барча ҳудуди, хусусан, меҳнат ресурсларига бой жойларда хизмат кўрсатиш муассасаларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, аҳолини арзон ҳамда сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда қўшимча имкониятлар яратди.

Эътиборлиси, аҳолини бизнесга кенгроқ жалб қилиш мақсадида банк томонидан тадбиркорларга молиявий кўмак беришнинг янги усуллари жорий этилди. Яъни малакали мутахассислар одамларни ишбилармонлик қобилиятини юзага чиқариш учун аҳоли хонадонларига ташриф буюриб, уларнинг банк хизматлари ҳамда кредитга бўлган эҳтиёжи ўрганилаяпти. Ушбу жараёнда ажратилаётган сармоялар, уларнинг шартлари, кредит хужжатлари ва гаров таъминоти тўғрисида батафсил тушунтиришлар ҳам бермоқдалар. Ўз навбатида, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга намунавий лойиҳалар таклиф қилиниб, уларга кредит хужжатларини тайёрлаш бўйича тегишли ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай тизимли тадбирлар натижасида 27,1 минг нафар фуқарога 215,5 млрд. сўмликдан зиёд кредитлар берилди.

Умуман, ҳозирги кунда "Асака" банки томонидан аҳолига 25 йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича имтиёзли шартларда кредитлар таклиф этилмоқда. 2018 йил 1 апрель ҳолатига кўра, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга ажратилган кредитлар қолдиғи қарийб 3,2 трлн. сўмни ташкил қилди.

Инвестиция ресурсларининг ғоят муҳим манбаи бўлмиш аҳолининг эркин пул маблағларини банк омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш йўлида ҳам фаол иш олиб борилаяпти. Жумладан, ҳозирги кунда 34 турдаги миллий ва хорижий валютадаги омонатлар жорий этилган бўлиб, омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

2018 йилнинг биринчи чорагида аҳоли омонатлари қолдиғи 1029 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 149 млрд. сўмга ошди, деганидир. Омонатчилар сони эса 70 минг нафарга кўпайиб, 1 млн. 974 минг нафарга етди. Бундай кўрсаткичларга нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини кескин қисқартириш ҳамда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича кўрилаётган изчил чора-тадбирлар самараси туфайли эришилди.

Таҳлилларга қараганда, банк пластик карточкалари орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам тобора ортмоқда. Шу йилнинг дастлабки уч ойида савдо айланмалари миқдори 410,2 млрд. сўмни ташкил қилгани бунга яққол мисолдир. "Электрон ҳамён" асосида ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш бўйича изчил иш олиб борилаётгани, хусусан, 1928,3 мингтадан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилгани, 11073 та терминал, 24 та банкомат ва 96 та инфокиоск ўрнатилгани, шунингдек, 13375 та корхона ҳамда ташкилотда "иш ҳақи" лойиҳалари жорий этилгани муваффақиятлар омили бўлди.

Айтиш жоизки, банкда халқаро пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ҳам муттасил равишда кенгайтирилмоқда. Бунинг эвазига чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 170,4 мингтадан ошди.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари — BankEXPO — 2018" миллий кўргазмаси "Асака" банки тизимида қўлга киритилаётган шу каби ютуқлар ҳамда ривожланиш истиқболлари ҳақида тадбиркорлик субъектлари, таълим муассасалари битирувчилари, аҳолини яқиндан таништириш учун қулай мулоқот майдони вазифасини ўтади. Унда, айниқса, банк томонидан янги жорий қилинган "Mobile-Uz" муддатли омонати, "Telegram" мессенжерида ишга туширилган "Telegram-бот" ва "On-Line конверсия" хизматлари барчага манзур бўлди.

Шу ўринда мазкур хизматлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Миллий валютадаги муддатли янги "Mobile-Uz" омонати "Asaka Mobile" мобиль иловаси орқали расмийлаштирилади. Унинг афзаллиги шундаки, омонатчи пластик картадаги пул маблағларини куннинг исталган вақтида банк биносига ташриф буюрмасдан омонатга ўтказиши ҳамда ҳисобваракдаги маблағлар ҳаракатини масофадан туриб бошқариши мумкин. Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 3 ой, фоиз миқдори эса йиллик 14 фоиз. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчининг пластик картасига ўтказиб берилади.

"Telegram-бот" ҳам бир қанча қулайликларга эга. Ушбу виртуал ёрдамчи кўмагида фойдаланувчи "Асака" банки бошқаруви раиси виртуал қабулхонасига мурожаат юбориши, ўзини қизиқтирган саволларга тезкор жавоблар олиши, банк хизматлари тарифлари билан танишиши, валюта курслари ва бошқа маълумотлардан хабардор бўлиб бориши мумкин. Унга уланиш учун "Telegram" мессенжеридан иловани кўчириб олиш, сўнгра қидирув сатрида "@BankAsaka_bot"ни териш кифоя.

"On-Line конверсия" хизмати орқали эса банкнинг сўм пластик карточкаси эгалари ўз маблағларини онлайн режимида хорижий валютага конвертация қилиш орқали халқаро пластик карточкага ўтказиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур кўргазма доирасида, шунингдек, "Асака" банки томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни янада рағбатлантириш мақсадида ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Бинобарин, молиявий инфратузилма институтларини ривожлантириш, янги банк хизматларини амалиётга татбиқ этиш, мавжудларини янада такомиллаштириш орқали уларнинг оммабоплигини ошириш юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган бош мақсаддир. Шундай экан, мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, хизмат турлари кўпайтирилиши баробарида, уларнинг сифатини тубдан яхшилаш, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилаверади.

**Банк Ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА ЎРНИДА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси ҳамда Тошкент вилояти Қишлоқ хўжалиги бошқармаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси қуйидаги мутахассисликлар бўйича тажрибали кадрларни ишга қабул қилишини билдиради:**

- *агрономия деҳқончилик маҳсулотлари;*
- *қишлоқ хўжалиги экинлари ва селекция уруғчилиги;*
- *сув хўжалиги ва мелиорация;*
- *қишлоқ хўжалигини механизациялаш;*
- *қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш;*
- *зоотехния;*
- *балиқчилик;*
- *паррандачилик;*
- *асаларичилик;*
- *мева-сабзавотчилик ва узумчилик;*
- *донли экинлар;*
- *агрокимё;*
- *картошкачилик;*
- *қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти;*
- *қишлоқ хўжалиги менежменти;*
- *қишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича бошқа мутахассислар.*

**Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 295-23-90, 295-24-30.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 3-уй.**

**UTG FARG'ONAGAZ**

**Хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!**

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АЖ**

**Фарғона вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали**

вилоят аҳолисини суюлтирилган газ билан мунтазам бир меъёрда таъминлаш мақсадида 1 ойда 900 тоннадан кам бўлмаган суюлтирилган газ маҳсулотини Қашқадарё вилоятидаги ишлаб чиқарувчи заводлардан махсус автомашиналарда келтириш ва вагон цистерналарда келган суюлтирилган газни тўкиб олиш, сақлаш ҳамда вилоятдаги мавжуд газ тўлдириш пунктларига юклаб бериш хизмати билан шуғулланувчи, мулкчилик шаклидан қатъи назар, махсус лицензияга эга бўлган корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

**Тижорат таклифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилинади.**

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 76-уй.**
**Телефон: (+99873) 229-04-36.**

**«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ**

**2018 йил давомида хом ашё материаллари, жиҳозлар, ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.**

**Батафсил маълумот олиш учун сайт: www.uzbeksteel.uz**

**Таклифларни қуйидаги манзилга юбориш лозим:**
**110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси, 1-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (+99870) 214-20-99, 214-17-48, 214-14-33, 214-12-40.**
**E-mail: info@uzbeksteel.uz**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 445. 114 526 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Тахririятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахririят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Ҳидиров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.27 Топширилди — 02.10 2 3 4 5 6